25. Mirzakhitovich G.O., Keldibaevich A.G., Sultanbaevich B.A., Shokirovich Y.SH. & Pardaboevich R.J. (2021). Efficiency results of the application of different endoscopic studies in diagnostics and treatment of erosive and dysplastic changes of the esophagus mucosa. SCIENTIFIC JOURNAL. ISSN 2541-7851. № 5 (108). P 2. (15-20).

26. Mirzakhitovich G.O., Sultanbaevich B.A., Keldibaevich A.G., Ibodullayevich A.I. & Usmanovich SH.Q. (2021). Diagnostic and treatment tactics in gastroesophageal reflux disease. SCIENTIFIC JOURNAL. ISSN 2541-7851. № 3 (106). P 2. (62-66).

27. Rajkomar Kheman, Berney Christophe R. Large hiatus hernia: time for a paradigm shift? // BMC Surgery (2022) 22:264. <https://doi.org/10.1186/s12893-022-01705-w>.

28. Saydimurad I. Ismailov, Rustam A. Sadikov, Axmadjan S. Babajanov, Aleksey O. Soy, Jamshid N. Mardonov. Morphological Assessment of Laser Efficiency in the Treatment of Oesophagus Injury. American Journal of Medicine and Medical Sciences. – 2022. – №. 9(12). – С. 1006-1012.

29. Yin Feng, Gonzalo David Hernandez, Lai Jinping, Liu Xiuli. Histopathology of Barrett’s Esophagus and Early-Stage Esophageal Adenocarcinoma: An Updated Review // Gastrointest. Disord. 2019, 1, 147–163; doi:10.3390/gidisord1010011

**ОЦЕНКА МОРФОЛОГИЧЕСКИХ ИЗМЕНЕНИЙ  
ДЕЙСТВИЯ ДИОДНОГО ЛАЗЕРА НА  
СЛИЗИстую оболочку ПИЩЕВОДА В  
ЭКСПЕРИМЕНТЕ**

*Махсудов М.Т., Гуламов О.М., Мардонов Ж.Н.,  
Ахмедов Г.К., Сайдуллаев З.Я.*

**Резюме.** Данная статья посвящена одной из новых направлений лазерной медицины. Эксперименты и их морфологические исследования проводились над крысами и свиньями в отделении экспериментальной хирургии и морфологических исследований ГУ «РСНПМЦХ им. академика В.Вахидова». В исследованиях использован лазерный аппарат фирмы «Лахта-милон».

**Ключевые слова:** эксперимент, диодный лазер, пищевод, эрозии.

## МЕЗЕНТЕРИАЛ ЛИМФА ТУГУНЛАРИНИНГ COVID-19 ИНФЕКЦИЯСИДАГИ ПАТОМОРФОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАР



Раимкулов Ривож Собир ўгли, Эшбаев Эркин Абдухалимович  
Тошкент тиббиёт академияси, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш.

## ПАТОМОРФОЛОГИЧЕСКИЕ ИЗМЕНЕНИЯ МЕЗЕНТЕРИАЛЬНЫХ ЛИМФАТИЧЕСКИХ УЗЛОВ ПРИ ИНФЕКЦИИ COVID-19

Раимкулов Ривож Собир угли, Эшбаев Эркин Абдухалимович  
Ташкентская медицинская академия, Республика Узбекистан, г. Ташкент

## PATHOMORPHOLOGICAL CHANGES IN MESENTERIAL LYMPH NODES DURING COVID-19 INFECTION

Raimkulov Rivoj Sobir ugli, Eshbaev Erkin Abdukhalimovich  
Tashkent Medical Academy, Republic of Uzbekistan, Tashkent

e-mail: [rivoj.raimqulov13@gmail.com](mailto:rivoj.raimqulov13@gmail.com), [eshbayev.erkin@mail.ru](mailto:eshbayev.erkin@mail.ru)

**Резюме.** COVID-19 да иммун аъзоларнинг ўзига хос морфологик ўзгаришлари кўзгатувчининг табиатига ва организмнинг умумий реактивлигига боғлиқ равишда хар хил даражадаги морфологик ўзгаришлар билан кечади. Айни вирусли табиатли хар қандай касалликда, иммун хужайралардан Т-лимфоцитларнинг хар хил субпопуляциялари (CD 3+,4+антиген тутувчи) ёки В-лимфоцитларнинг (CD 20+,23+) антиген тутувчи популяцияларининг хар хил даражадаги ўзгаришлари, сон ва сифат ўзгаришлари билан намоён бўлади. Иммун аъзолардаги ўзгаришлар лимфоцитларнинг хар хил даражадаги тўпланиши ёки паренхиматоз элементларининг метапластик ўзгаришлари билан кечиши хослиги аниқланади.

**Калит сўзлар:** талоқ, лимфоцит, лимфоид фолликула, иммун аъзолар, иммуногистохимия.

**Abstract.** In Covid-19, specific morphological changes in immune organs are accompanied by varying degrees of morphological changes depending on the nature of the pathogen and the general reactivity of the body. In any disease of the same viral nature, different subpopulations of T-lymphocytes (CD 3+,4+,carrying antigen) or B-lymphocytes (CD 20+, 23+) on the part of immune cells of varying degrees, a change in antigen-bearing populations, manifested by quantitative and qualitative changes. Changes in the immune organs are characterized by the accumulation of lymphocytes at different levels or the transition with metaplastic changes in parenchymal elements.

**Key words:** spleen, thymus, lymphocytes, lymphoid follicle, immune organs, immunohistochemistry.

**Мавзунинг долзарблиги.** COVID-19 (SARS-CoV-2) да асосан оғир респиратор дистресс синдромлар кўринишида кечиши ўрганилди. SARS-CoV-2 нинг нишон хужайралари билан таъсирланиши, иммун хужайраларнинг дисфункциясига олиб келади[1]. Натижада касаллик кескин ривожланиши билан намоён бўлади. Оқибатда, кўплаб хужайраларнинг некрози кузатилади ва иммун хужайраларнинг кўпалаган цитокинларнинг ишлаб чиқарилиши (цитокинли бўрон) барча томир компонентларининг тизимли жавобига олиб келиши кузатилади[2,3,4]. Бу ўзгаришлар клиник жихатдан томирларнинг кескин кенгайиши, қон босимнинг тушиши, хар хил

даражадаги шокнинг ривожланиши ва охир оқибат сепсисга олиб келиши 28% ҳолатда ўлимга олиб келиши кузатилади [5,6]. Бу вазопаралитик ўзгаришлар жигар, юрак, ўпка ва буйрак шу жумладан иммун аъзоларнинг кескин перфузиясини бузилиши ва иммун хужайраларининг дефицити билан намоён бўлади.

SARS-CoV-2 кўзгатувчиси, асосан ангиотензин хосил қилувчи хужайра рецепторларини (АПФ-2) зарарлаши ва вируснинг репликацион фаоллигини ошириши, хужайра хужайрасида пироптозга учратиши (лейкотриенлар, СРБ, ААБ, МРСА ва бошқалар) яллиғланиш жараёнини кучайиши билан намоён бўлади. Пироптоз жараёнида хосил бўлган оралик



махсулотлар кўшни хужайралардан: эпителиал хужайра, эндотелиал хужайралар, алвеоляр макрофаглар, семиз хужайралар, яллиғланиш олди цитокинларини (ИЛ-6, ИЛ-8, МIP1 $\alpha$ , МIP1 $\beta$ , МСР1 ) массив равишда ажратиши томир бўшлиғидаги оқ кон таначаларини: моноцитлар, Т-лимфоцитлар, макрофаглар, плазмоцитларни ўзига жалб этиб, яллиғланишга жавобан юзага келувчи реактивликни асосан гиперэргик тусда ривожланишига олиб келади[7,8].


Натижада касаллик клиник жихатдан жуда оғир кечиб, хаётий мухим аъзоларда ўпка, юрак, буйрак, ошқозон ости беши, буйрак усти беши ва иммун аъзолардаги кон айланишининг кескин бузилиши (капилляр даражасида) ва полиорган етишмовчилик кўринишида намоён бўлиши ўлим кўрсаткичларини юқорилиги, касалликни пик босқичларида кон айланишини қайта тиклашда клиник самародорликни яънада ошириш мақсадида ушбу ўзгаришларни айна ишимизда иммун аъзолардан хисобланган талок тўқимасидаги ўзига хос умумий ва махаллий морфологик ўзгаришларни ўрганиш ҳозирги даврда ўзининг долзарблиги билан ажралиб туради[9].

**Мақсад:** COVID-19 дан вафот этган беморларни аутопсияда ажратиб олинган талок тўқимасидаги ўзига морфологик ўзгаришларни ўрганиш ва амалий тавсиялар ишлаб чиқаришга тадбиқ этишдан иборат.


**Материал ва усуллар:** 2020-2021 йилларда ЎЗР ССВ РПАМ амалиётида учраган COVID-19 ташхиси билан вафот этганларнинг талоқи макроскопик, микроскопик ва иммуногистохимёвий усулларда ўрганилди. Клиник-анамнестик маълумотлар касаллик тарихи ва аутопсия баённомасини таҳлил қилиш натижасида ўрганилди. Аутопсия пайтида олинган талок тўқимасидан тайёрланган парафинли ғиштчалардан гистологик кесмалар тайёрланиб, гематоксилин-эозин бўёғида бўялди. Гистологик препаратлар тирнокуляр ёруғлик микроскопида ўрганилиб, керакли жойларидан микротасвирлар олинди.

**Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси.** Ўрганилган тадқиқот натижалари кўрсатишича лимфа тугунларидаги ўзгаришлар гематоксилин эозин бўёғи орқали текширилганда, лимфа тугунларида ўзига хос специфик ўзгаришлар кескин намоён бўлмасдан, умумий вирусли касалликларга хос бўлган ўзгаришлар аниқланди. Жумладан лимфа тугуни капсуласи тўлақонли кўринишда, субкапсуляр бўшлиқларда асосан кистоз кенгайган ўчоқлар, ретикулоцитларнинг кескин пролиферацияси аниқланди (1-расмга қаранг). Кортикал сохада В-


лимфоцитларнинг кескин пролиферацияси, В-лимфоцитларнинг SARS-CoV-2 кўзгатувчиси таъсирида гипермутацияси ва моноцеллюляр цитолиз ўчоқларининг бўлиши билан характерланди. Ушбу цитолизга учраган плазмоцитларнинг атрофида хужайра детритлари ва атрофида макрофагал инфильтрация ўчоқларининг кескин ривожланиши билан намоён бўлди. Айна ишимизда В-лимфоцитлар атрофида интердигитирловчи хужайраларнинг тўпланиши, антигенга боғлиқ бўлган лимфоцитларнинг кескин пролиферацияси CD4+ ва CD5+ антигенли лимфоцитларнинг лимфоид фолликулаларнинг маргинал сохаларида тўпланиши аниқланди. Паракортикал сохалар атрофида тожсимон троекторияни эгаллаган Т-лимфоцитларнинг аксарияти антигенга боғлиқ бўлган пролиферациясининг нисбатан камайганлиги, интерстициал бўшлиқлар атрофининг кенгайиши хужайравий иммун тизимнинг шикастланганидан ва шакланмаган CD20+, CD25+ маркерли лимфоцитларнинг камайганлиги шу сохаларда макрофаглар ва ретикулоцитларнинг кўплаб тўпланиши ва сийрак толали бириктирувчи тўқиманинг ўсиши билан характерланади. Паракортикал сохадаги посткапилляр венулаларнинг хар хил даражадаги тўлақонлиги, юқори мембранали эндотелий хужайралари деворларининг дефектли кўриниши Т-лимфоцитларнинг трансэндотелиал йўл орқали миграцияланиши фалажаланганлигидан дарак беради. Аксарият посткапилляр венулалар эндотелийси атрофидаги перидитларнинг пролиферацияси сийрак толали бириктирувчи тўқима компонентларининг кескин кўпайиши, томир девори ўтказувчанлигинини тормозлашганишига ва антигенга боғлиқ бўлган лимфоцитларнинг миграциясига тўсқинлик қилиши оқибатида, хужайравий иммун жавобнинг кескин камайиши ҳақида гапириш учун асос бўла олади. Шу билан бирга лимфа тугунининг мағиз қават мия тасмалари атрофида кўплаган яланғочланган ретикуляр ўсимталар атрофининг кескин яланғочланиши, лимфа тугунининг паренхимаси хисобланган, лимфоцитларнинг пролиферацияси камайиши қайтар боғланишининг бузилиши ретикулёз жараёнининг ривожланиши билан давом этиши аниқланди (2-расмга қаранг). Натижада мия тасмалари сохасида кўплаб метапластик ўзгарган макрофагларнинг тўпланиши аниқланади. Ретикулоцитоз ва интерстициал шиш лимфа тугунларида макроскопик жихатдан деформацияланишга ва клиник нуқтаи назардан лимфа тугунлари пайпасланмаслиги, баъзи ҳолатларда лимфа тугунларининг шишига олиб келиши аниқланди.




**Расм 1.** Бемор 47 ёшда (Баённома 176 ВИ). Ковид -19 тасдиқланган. Лимфа тугуни умумий кўриниши. Лимфа тугуни капсуласи одатдагидан кўра қалинлашган. Субкапсуляр бўшлиқлар деярлик аниқланмайди. Кўплаган субкапсуляр кистоз кенгайган ўчоқлар аниқланади. Пўстлоқ қавати ва паракортес чегералари аниқ ифодаланган. Мия тасмалари соҳасида кўплаган яланғочланган патологик кенгаймалар аниқланади. Бўёк гематоксилин эозин. Катталиқ 2x10



**Расм 2.** Бемор 47 ёшда (Баённома 176 ВИ). Мия тасмалари атрофида қон томирлар девори атрофидаги перичитларнинг кескин пролиферацияси, склероз ва ретикулоцитларнинг пролиферацияси (2). Жуда кўплаган кистоз кенгаймалар аниқланади (1). Хар хил даражадаги интерстициал шишлар. Мия тасмалари атрофида жуда кам миқдордаги Т ва В –лимфоцитларнинг вариабел аралашмаси аниқланади. Бўёк гематоксилин эозин. Катталиқ 10x10



**Расм 3.** Бемор 47 ёшда (Баённома 176 ВИ). Лимфоид фолликула маргинал сохаларида В-лимфоцитларнинг пролиферацияси ва тўпланиши аниқланади (1). Қизғиш пушти рангдаги тўрсимон структуралар аксарияти стромадаги склеротик ўзгаришларнинг ривожланганлиги аниқланади (2). Бўёк гематоксилин эозин. Катталик 10x10



**Расм 4.** Бемор 47 ёшда (Баённома 176 ВИ). Катта ўлчамда аксарият лимфоцитларнинг хажм жихатдан бир хил катталикдалиги аниқланади. Интерстициал бўшлиқлар кенгайганлиги, ретикулоцитоз ва гистиоцитоз жараёнинг кескин ривожланганлиги аксарият лимфоцитлар миграциясини тормозланиши аниқланади (стрелкалар билан кўрсатилган). Бўёк гематоксилин эозин. Катталик 10x40

Лимфа тугуни мия тасмалари соҳасидаги ретикулёз қон томирлар тўрининг периферияга силжишига ва лимфа суюқлиги харакатини нисбатан харакатини тўсишига ва мағиз қават ва лимфа тугуни дарвоза соҳасида димланишларга ва гистологик текширишларда кистоз кенгайган ўчоқларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Ушбу ўчоқлар морфометрик жихатдан ўлчанганда аксарият 45-75 мкм катталикда эканлиги аниқланади. Меёрда ушбу катталикдаги кистоз кенгаймалар лимфа тугуни мия мағиз қаватида аниқланмайди (3 ва 4 -расмларга қаранг). Бу эса ўз навбатида лимфа динамиканинг бузилиши клиник жихатдан ўпка шишига олиб келишини

ушбу ўзгаришларга қараб хулоса чиқаришимиз учун асос бўлиши аниқланди.

Демак, SARS-CoV-2 да лимфа тугунидаги ўзгаришлар асосан, лимфа тугуни фаол майдонларининг хар хил даражадаги жавоб реакцияси, яъни Т-майдоннинг фалажланиши, В-майдоннинг кескин пролиферацияси, посткапилляр венулаларнинг хар хил даражадаги тўлақонлиги ва склерози, мағиз қавати мия тасмаларининг ретикулоцитози, кистоз кенгайган ўчоқларнинг пайдо бўлиши, мия тасмалари соҳасида Т ва В- лимфоцитларнинг миграцияси тормозланиши ва хужайравий иммун тизимнинг фалажланиши билан намоён бўлиши аниқланди.

**Хулоса.** Т-майдондаги лимфоцитлар атрофида макрофаглар ва ретикулоцитларнинг кескин пролиферацияси, лимфа тугуни строматомир тузилмаларидан бириктирувчи хужайраларнинг пролифератив фаоллигини ошиши, томир деворининг қалинлашиши, посткапилляр венулалардан Т-лимфоцитларнинг миграцияси бузилиши (микроангиосклероз), кейинги навбатда, томир орқали лимфа суюқли динамикасини бузилиши, кўплаган кистоз кенгайган ўчоқларнинг пайдо бўлиши аниқланди. Клиник жиҳатдан ушбу ўзгаришлар иммун тизимининг хужайравий компонентларининг кескин етишмовчилиги ва иккиламчи инфекцион омилларнинг жараёнга кўшилиши, хаётий муҳим аъзолардаги лимфа дренаж вазифасининг фалажаланиши асосан ўпка тўқимасида аралаш типдаги ўпка шишларини (нокардиаген ва лимфостатик) вужудга келиши билан ифодалангани.

#### **Адабиётлар:**

1. Федоров Д.Н., Коростелева П.А., Зыбин Д.И., Попов М.А., Тюрина В.М., Варламов А.В. Морфологическая и иммуногистохимическая характеристика изменений в лимфатических узлах бронхолегочной группы у пациентов с новой коронавирусной инфекцией COVID-19 (по результатам аутопсийных исследований). *Альманах клинической медицины*. 2020;48:37-42.
2. Семенов В.М., Пашинская Е.С., Побяржин В.В., Субботина И.А., Шляхтунов Е.А., Веремей И.С., Семенов С.В. Иммуногистохимические и молекулярно-генетические методы диагностики онкологических заболеваний Вестник Витебского Государственного Медицинского Университета, 2017, Том 16, №2 с.15-25
3. Морфологическая диагностика патологии лимфатических узлов//Райт Д., Эддис Б., Леонг Э. Москва, Медицинская литература, 2008, 176 с.
4. Park WB, Kwon NJ, Choi SJ, Kang CK, Choe PG, Kim JY, Yun J, Lee GW, Seong MW, Kim NJ, Seo JS, Oh MD. Virus Isolation from the First Patient with SARS-CoV-2 in Korea. *J Korean Med Sci*. 2020;35(7):e84. doi: 10.3346/jkms.2020.35. e84.
5. Hoffmann M, Kleine-Weber H, Schroeder S, Krüger N, Herrler T, Erichsen S, Schiergens TS, Herrler G, Wu NH, Nitsche A, Müller MA, Drosten

- C, Pöhlmann S. SARS-CoV-2 Cell Entry Depends on ACE2 and TMPRSS2 and Is Blocked by a Clinically Proven Protease Inhibitor. *Cell*. 2020;181(2):271–80.e8. doi: 10.1016/j.cell.2020.02.052
6. Wang K, Chen W, Zhou YS, Lian JQ, Zhang Z, Du P, Gong L, Zhang Y, Cui HY, Geng JJ, Wang B, Sun XX, Wang CF, Yang X. SARS-CoV-2 invades host cells via a novel route: CD147-spike protein [Internet]. *bioRxiv*. 2020 Mar. doi: 10.1101/2020.03.14.988345.
  7. Walls AC, Park YJ, Tortorici MA, Wall A, McGuire AT, Veesler D. Structure, Function, and Antigenicity of the SARS-CoV-2 Spike Glycoprotein. *Cell*. 2020;181(2):281–92.e6. doi: 10.1016/j.cell.2020.02.058.
  8. Perrella A, Trama U, Bernardi FF, Russo G, Monastra L, Franganza F, Orlando V, Co. Brancatella A, Ricci D, Viola N, et al. Subacute thyroiditis after SARS-CoV-2 infection. *J. Clin Endocrinol Metab*. 2020;105(7): dgaa 276. <https://doi.org/10.1210/clinem/dgaa276>.
  9. Stafford VV. Use of an immunohistochemical method in diagnostics. *RJOAS*. 2016 Aug;8(56):18-21. doi: 10.18551/rjoas.2016-08.03.

#### **ПАТОМОРФОЛОГИЧЕСКИЕ ИЗМЕНЕНИЯ МЕЗЕНТЕРИАЛЬНЫХ ЛИМФАТИЧЕСКИХ УЗЛОВ ПРИ ИНФЕКЦИИ COVID-19**

*Раимкулов Р.С., Эшбаев Э.А.*

**Резюме.** При COVID-19 специфические морфологические изменения иммунных органов сопровождаются разной степенью морфологических изменений в зависимости от характера возбудителя и общей реактивности организма. При любом заболевании одной и той же вирусной природы различают разные субпопуляции Т-лимфоцитов (CD 3+, 4+, 5+, 8+, 9+, 14+, несущие антиген) или В-лимфоцитов (CD 20+, 23+, 24+, 28+, 30+) со стороны иммунных клеток различной степени изменение антиген-несущих популяций, проявляющееся количественными и качественными изменениями. Изменения в иммунных органах характеризуются накоплением лимфоцитов на разных уровнях или переходом с метапластическими изменениями паренхиматозных элементов.

**Ключевые слова:** селезенка, тимус, лимфоциты, лимфоидный фолликул, органы иммунитета, иммуногистохимия.

## ЭРТА БОЛАЛИК ДАВРИДА ТРАХЕЯ ДЕВОРЛАРИ МОРФОМЕТРИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИ БАҲОЛАШ



Султонов Равшан Комилжонович

Термиз иқтисодиёт ва сервис университети, Ўзбекистон Республикаси, Термиз ш.

## ОЦЕНКА МОРФОМЕТРИЧЕСКИХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ СТЕНОК ТРАХЕИ В РАННЕМ ДЕТСТВЕ

Султонов Равшан Комилжонович

Термезский университет экономики и сервиса, Республика Узбекистан, г. Термез

## ASSESSMENT OF MORPHOMETRIC INDICATORS OF TRACHEAL WALLS IN EARLY CHILDREN

Sultonov Ravshan Komiljonovich

Termez University of Economics and Service, Republic of Uzbekistan, Termez

e-mail: [ravshansultonov606@gmail.com](mailto:ravshansultonov606@gmail.com)

**Резюме.** Ушбу мақолада гўдакларнинг эрта болалик (1-3 ёш) бўлган даврида трахея девори тўқима тузилмаларининг такомил топиб бориши динамикаси, тузилиши ҳақида текширув олиб борилган. Текширув Сурхондарё вилояти паталогик анатомия марказида 2022-2023 йил III-чорада қабул қилинган уч ёшгача бўлган гўдаклар мурдаси устида олиб борилди. Нафас йўлларидаги трахея ва бронхлар деворларининг мускул қаватлари тўғилгандан бошлаб катта ёшгача ўсиб боради. Бу эрта болалик давригача 2 марта амалга ошади. Гўдаклар эрта болалик даврида (1-3 ёш) трахея девори барча қатламлари уч ёшгача даврда қопловчи эпителийси кўп қаторлидан бир қаватлиги, хусусий пластинкаси шаклланмаган бириктирувчи тўқимадан шаклланган тўқимага, тоғай халқалари сийрак хондройдли ва хужайрали тузилишдан майда хужайрали зич хондроматоз тўқимага айланиб бориши исботланди.

**Калит сўзлар:** Гўдак, ўпка, трахея, бронх, постнатал онтогенетик, гистокимёвий, гистологик, гематоксиллин-эозин, Ван-Гизон.

**Abstract.** The article examines the dynamics of development and structure of tissue structures of the tracheal wall in early childhood (1-3 years) in children. The study was conducted on the corpses of young children under three years of age who were admitted in the third quarter of 2022-2023 to the center of pathological anatomy of the Surkhandarya region. The muscular layers of the walls of the trachea and bronchi in the airways grow from birth to adulthood. This occurs 2 times before early childhood. It has been proven that in early childhood (1-3 years) all layers of the tracheal wall change from multilayered epithelium to single-layered epithelium, the lamina from unformed connective tissue to formed tissue, as well as from a sparse chondroid and cellular structure. to dense chondromatous tissue with small cells.

**Key words:** Infant, lung, trachea, bronchus, postnatal ontogenetic, histochemical, histological, hematoxylin-eosin, Van Gieson.

**Муаммонинг долзарблиги:** Нафас олиш тизими касалликлари замонавий тиббиётнинг олдида турган долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Бу эса инсоннинг ҳаёт сифати ва ижтимоий фаолиятига сезиларли таъсири билан боғлиқ. Айниқса эрта болалик давридаги гўдакларда нафас тизими касалликлари кўп ва оғир кечиши маълум. Нафас олиш тизими касалликларини тўлиқ ташхислаш ва касалликларнинг кечишини олдиндан билиш нафас олиш органларининг анатомик ва

функционал хусусиятларини чуқур ўрганишни тақозо этади [1].

Ҳомила ҳаётининг учинчи ҳафтасида олдинги ичакнинг қорин деворидан вентрал-каудал юналишда ўсиб, най шаклига эга бўлган тўлиқ қопсимон ўсимта ҳосил бўлади бунга ҳиқилдоқ-трахея ўсимтаси деб аталади. Тўрт ҳафталик хомилада у ассиметрик тўзилишда ўнг ва чап ўсимталарга бўлиниб, ўпка ва бронхларнинг эпителий қаватини ҳосил қилади.

Беш ҳафталик хомиланинг ўнг ўпка қисмида учта, чап томонида эса ўпканинг бўлак

бронхлари ва бўлақларига мос келадиган иккита шарсимон ўсимталар пайдо бўлади [2]. Бу эмбрионал шаклланиш кейинчалик иккиламчи шаклланишларга олиб келади ва ҳар бир ўпкада ўнта сегментар бронхлар ва ўпка сегментлари пайдо бўлади.

Ҳомила ҳаётнинг иккинчи ойида ҳомилада бронхиал дарахт ҳосил бўлади. Она қорнида ривожланишнинг тўртинчи ойдан олтинчи ойгача бронхиолалар, олтинчи ойдан ўнинчи ойгача алвеоляр йўллар ва алвеоляр қопчалар ҳосил бўлади [3].

Бронхиал ва алвеоляр дарахтларнинг шохланиши тўғилгандан кейин ҳам давом этиб, 23 марта бўлиниб шохланиш давом этади [4].

Нафас олиш йўлларининг касалликлари кўпинча неонатал даврда (1-28 кун) юзага келади. (Велтишчев Ю.М., 1990; Сафонов Д.В., 2011). Шу билан бирга, ҳозирги кунда респиратор дестресс синдроми нафас олиш бузилишининг барча ҳолатларининг ярмидан кўпини ташкил қилмоқда. (Дементиева Г.М., 2003).

Текширувда трахея деворида жуда кўплаб безлар жойлашган бўлиб, Тоғай деворида бир қатор бўлиб, шиллиқ ости қаватда эса уч қават бўлиб жойлашган [5].

Трахея эмбрионал ривожланишда ҳалқумнинг бевосита давоми бўлиб ҳисобланади. У кенг ва қисқа бўлиб, трахея 14-16 тоғай ҳалқалардан иборат [6].

Одам онтогенезининг эрта ҳомилалик давридаги трахея ва бош бронхлар голо-скелето - ва синтопияси, чақалоқлар, болалар ва катта ёшли одамлардаги ушбу тузилмаларни топографиясида фарқ қилувчи яққол намоён бўлган сифат ва миқдор ўзгаришларига эга бўлади. Эрта ҳомилалик даврида трахея голотопиясининг ўзига хосликлари ўрганилган даврнинг охирида уни вертикал ўқдан силжиши ўнг томонга  $18,8 \pm 1,1^\circ$  ва  $33,7 \pm 1,6^\circ$  ҳамда орқа томонда ўрганилган давр охирида  $19 \pm 1,2^\circ$  ва бошида  $22,6 \pm 1,3^\circ$  га тенг бўлди. Трахеяни бифуркация бурчаги 16-17 ҳафтада  $31,8 \pm 1,5^\circ$ , ни ташкил этган бўлса, 24 ҳафтага бориб бу  $78,2 \pm 2,4^\circ$  га тенг бўлди. Ўрганилган давр мобайнида онтогенезнинг эрта ҳомила даврида бош бронхлар ва трахеяларнинг миқдорий топографик-анатомик параметрлари

гетерохрон ўзгаради. Она қорнида ривожланишнинг 18-20 ҳафталик муддатида энг яққол намоён бўлади [7-8-9].

Олинган илмий мушоҳадалар бугунги кунда касалликларнинг халқаро таснифида етакчи ўринда турган нафас олиш тизими касалликларнинг олдини олиш ва самарли ташхислаш тартибини яратишга асос бўлади.

**Тадқиқот мақсади:** Эрта болалик даврида гўдакларнинг трахея деворлари морфологик ва морфометрик кўрсаткичларини баҳолаш.

**Тадқиқот материал ва усуллари.** Тадқиқотни амалга ошириш мақсадида эрта болалик даври (1-3 ёшгача) бўлган гўдакларда трахея деворининг постнатал онтогенетик ривожланишда даврма-давр морфологик ва морфометрик кўрсаткичларини баҳолашдан иборат.

Олдимизга қўйилган мақсадга эришиш ҳамда вазифаларни бажариш учун нафас тизими касалликлари бўлмаган трахеяларининг постнатал онтогенетик босқичида 30 нафар уч ёшгача бўлган болалар мурдасидан олинган аутопсия материаллар олинди.

Текширув Сурхондарё вилояти паталогик анатомия марказида 2022-2023 йил III-чорақда қабул қилинган уч ёшгача бўлган гўдаклар мурдаси устида олиб борилди. Турли омиллар таъсирида вафот этган, бироқ, нафас олиш тизими ўзгармаган гўдаклар трахея ва бронх йўлларида касалликлари бўлмаган асосан юрак нуқсонлари ва бошқа сабаблар натижасида вафот этган болалар мурдасида ўрганилди.

Ўлим сабаблари ва асосий касаллик суд тиббиёт ва патологик анатомия хулосаларида аниқланган.

Текширув материаллари 30 нафар эрта болалик даврида вафот этган гўдакларнинг ўпка ва трахеялари очиб ўрганилди.

Тадқиқотимизда инструментал, яъни штангенциркуль ёрдамида, умумгистологик, гистокимёвий ва морфометрик усуллари қўлланилди. Олинган материаллар формалинга солиб қуйилди ва кейинчалик 5-8 мкм кесмалар таёрланди.

Уларни гемотоксиллин-эозин, ШИК, Ван-Гизон усуллари билан бўялди.

**Жадвал 1.** Эрта болалик даври гўдакларининг ёши ва жинси бўйича материалларнинг тақсимланиши абс, %

Ёш гуруҳлар	Умумий болалар	Болалар	
		Ўғил	Қиз
1-ёшгача	14	8 нафар (26%)	6 нафар (20%)
1-2 ёшлик	9	5 нафар (16,7%)	4 нафар (13,3%)
2--3 ёшлик	7	4 нафар (13,3%)	3 нафар (10%)
Жами	30	17 нафар (56,7%)	13 нафар (43,3%)

**Жадвал 2.** Эрта болаликни постнатал даврдаги трахея деворининг морфометрик тадқиқот натижалари

n – (8)	Таркибий тузилмалар бўйича нукталар сони					Жами
	Ркэ	Рхп	Рмк	Ршб	Ртх	
1	32	48	58	146	116	200
2	34	46	52	150	114	
3	32	50	56	144	118	
4	36	44	62	146	116	
5	30	48	54	138	120	
6	32	42	64	152	112	
7	36	52	58	148	114	
8	30	48	64	146	118	
	262	378	468	1164	928	3200
M±m(ε)	16,4±1,71	13,8±3,2	29,2±3	72,8±4,8	58±4,1	

Изоҳ:  $V_{кэ} = R_{кэ}/P \times 100 = 262 / 3200 \times 100 = 16,4$ ;  $\epsilon = 2,0 \times \sqrt{16,4(100-16,4)/3200} = 1,71$  ( $P < 0,01$ );

$V_{хп} = R_{хп}/P \times 100 = 378 / 3200 \times 100 = 13,8$ ;  $\epsilon = 2,0 \times \sqrt{13,8(100-13,8) / 3200} = 3,2$  ( $P < 0,05$ );

$V_{мк} = R_{мк}/P \times 100 = 468 / 3200 \times 100 = 29,2$ ;  $\epsilon = 2,0 \times \sqrt{29,2(100-29,2) / 3200} = 3$  ( $P < 0,05$ );

$V_{шб} = R_{шб}/P \times 100 = 1164 / 3200 \times 100 = 72,8$ ;  $\epsilon = 2,0 \times \sqrt{72,8(100-72,8) / 3200} = 4,8$  ( $P < 0,05$ );

$V_{тх} = R_{тх}/P \times 100 = 928 / 3200 \times 100 = 58,0$ ;  $\epsilon = 2,0 \times \sqrt{58,0(100-58,0) / 3200} = 4,1$  ( $P < 0,05$ )


**Тадқиқот натижалари:** Эрта болалик даврида вафот этган гўдаклар трахеяларининг ташқи кўриниши диққат билан ўрганилиб, шакли, ранги, ундаги мавжуд ўзгаришлар, яъни, гўдакларнинг ўнг ва чап ўпка тузилиши, трахеянинг жойлашуви, оғирлиги ўлчанди, туғилган бола вазнига нисбатан коэффициенти топилиди, трахеянинг диаметри, қалинлиги ва узунлиги ўлчанди.

Микроскопик текширувлар учун трахеядан кесиб олинган бўлакчалар формалиннинг 10% нейтралланган эритмасида 72 соат мобайнида қотирилди, кейин оқар сувда ювилиб, сувсизлантириш учун концентрацияси ошиб борган 70%-96% спиртлардан ўтказилди ва парафин қуйилиб блоклар тайёрланди. Улардан 5–8 мкм қалинликдаги кесмалар тайёрланиб, умумий гистологик тузилиши гематоксилин-эозин бўёғида, трахеяларни шиллик, шиллик ости, фиброз-тоғай, адвентициал қаватларида пайдо бўладиган бириктирувчи тўқима толалари Ван-Гизон усулида ва углеводли моддалар бўлган мукополисахаридлар ШИК реакцияси усулида бўялиб ўрганилди. Кесмалар Лейка фирмасининг ёруғлик микроскопи остида ўрганилиб, керакли соҳаларидан микро-расмлар туширилди.

Гўдаклар бир ёшга етганда нафас тизимининг йирик йўли, яъни трахея воронкасимон шаклдан цилиндрсимон шаклга қиради. Трахеянинг шиллик пардаси бронхиал йўлнинг бошқа қисмларига нисбатан юпқа, қопловчи эпителийсидан таркибида киприкли эпителийга нисбатан силлиқ юзали эпителий кўпроқ, илмий адабиёт маълумотлари бўйича 1,5 баробар кўп. Бизнинг текширувимизда ҳам трахея шиллик пардаси қопловчи эпителийсидан юпқалиги ва бир қаватли призматик эпителий билан қопланганлиги аниқланди. Қопловчи

эпителий таркибида юзаси силлиқ эпителий сони кўплиги кузатилди. Иккала эпителий хужайраларнинг бўйи нисбатан кичик, призматик шаклда, ядролари бетартиброқ жойлашган, аксариятининг ядроси базал қаватга тегмайди, думалоқ ва овал шаклдалиги аниқланди.

Базал мембранаси юпқа толали тузилмалардан ташкил топганлиги ва остидаги бириктирувчи тўқимали хусусий пластинка билан қўшилиб кетганлиги аниқланди. Хусусий пластинка тўқимаси таркибида лимфо-гистиоцитар хужайралардан иборат инфильтрация борлиги тасдиқланди. Хусусий пластинканинг чуқур қатламларида айлана йўналишда жойлашган битта тутамдан иборат силлиқ мушак хужайралари мавжудлиги аниқланди. Ундан кейин, яъни чуқур қатламларида қатор жойлашган силлиқ мушак хужайралар тутамлари ўрин эгаллаган (расм 1).




**Расм 1.** 1 ёшлик давр. Трахея, шиллик парда (1) ва хусусий пластинка (2) нисбатан юпқа, тоғай халқаси зич (3). Гематоксилин-эозин усулида бўялган. 10x40 ўлчамда катталаштирилган тасвири

Тутамларнинг қалинлиги ҳар хил бўлиб, уларнинг орасида нозик бириктирувчи тўқимали

интерстицийси ўрин эгаллаганлиги кузатилди. Мушак тутамлари остида трахеянинг хусусий безлари жойлашган, олдинги даврлардан фарқи без ячеякалари нисбатан йирик, хужайралари семиз ва апикал қисми вакуоллашган ҳолатдалиги аниқланди.

Тоғай халқалари зич ҳолатдаги бириктирувчи тўқимали парда билан ўралган. Тоғай тўқимаси таркибидаги оралик моддаси тўқ сиёҳ ранга бўялган, хужайралари нисбатан кам, айримлари вакуоллашган ҳолатдалиги аниқланди.

Трахея деворидаги бириктирувчи тўқима тутамларини аниқлаш учун гистокимёвий усул қўлланилганда шу ҳолат аниқландики, хусусий пластинка, шиллик ости қават ва тоғай халқаси атрофида бириктирувчи тўқима толалари кўпайиб, зич жойлашганлиги аниқланди (расм 2).




**Расм 2.** 1 ёшлик давр. Трахея деворида бириктирувчи тўқима тутамларининг кўпайиши ва зич жойланиши(1). Ван-Гизон усулида бўялган. 10x40 ўлчамда катталаштирилган тасвири

Гўдакларнинг 3-ёшлик даврида трахея девори тўқималари мукополисахаридларни аниқлаш учун ШИК-реакция усули билан бўялганда шиллик парда қопловчи эпителийсиз юзасини қоплаган модда ШИК билан мусбат бўялганлиги, шиллик ости қаватида жойлашган безларнинг деярлик барчаси таркибида ШИК мусбат бўялган моддалар кўпайиб, без бўшлиқларини тўлдирганлиги аниқланди (расм 3).

Таъкидлаш жоизки, бир ёшгача бўлган чақалоқлар трахея деворлари морфометрик кўрсаткичларининг таҳлилидан кўриниб турибдики, янги тўғилган чақалоқлар трахеяси ўртача 4,1±0,16 см, кенглиги 0,9±0,03 см бўлиб, трахеянинг тоғай халқалари суст ривожланган, юпқа майдалиги кўриниб турибди. Шиллик қавати юпқа, нозик, безлари кам, суст ривожланган.

Шиллик пардаси қон ва лимфа томирларига бой бўлганлигидан яллиғланиш жараёни кўп ўчрайди.

Трахея тоғай халқалари бир оз такомиллашиб бириктирувчи тўқима толалари кўпайган. Шиллик пардаси юпқалиги сақланган, нозик, безлари олдинги даврга нисбатан яхши ривожланган.



**Расм 3.** 3-ёш давр. Трахея. Шиллик ости қаватда безлар таркибида ШИК-мусбат модда микдори кўпайган(1), безлар бўшлиғини тўлдирган. ШИК-реакция усулида бўялган. 10x40 ўлчамда катталаштирилган тасвири

Қопловчи эпителий таркибида киприксимон эпителийга нисбатан юзаси силлик эпителийлар сони кўп 1,7 марта кўп.

Гўдаклар 3 ёшлик даврга келиб трахея девори қаватлари постнатал онтогенезда иккинчи марта тез ўсганлиги кузатилди.

Гўдаклар 3 ёшлик даврида шиллик пардасида бўрмалар диярлик тўлиқ ҳолди йуқолганлигини кўришимиз мумкин.

Гўдаклар 3 ёшлик даврда етганда трахея тўлиқ цилиндрсимон шаклга киради.

Трахея узунлиги бир ёшда 6,2±0,42 см, кенглиги 2,1±0,2 см тенг бўлса, эрта болалик даврини охирига келиб 11,5±0,6 см, кенглиги эса 4±0,3 см тенг эканлиги текширувмизда аниқланди.

Эрта болалик даврида трахея деворидаги хусусий пластинка, шиллик ости қават, тоғай халқаси атрофида бириктирувчи тўқима толалари кўпайиб зич жойлашганлиги аниқланди.

**Хулоса:** Нафас йўлларидаги трахея ва бронхлар деворларининг мускул қаватлари тўғилгандан бошлаб катта ёшгача ўсиб боради. Бу эрта болалик давригача 2 марта амалга ошади.

Гўдаклар эрта болалик даврида (1-3 ёш) трахея девори барча қатламлари уч ёшгача даврда қопловчи эпителийсиз кўп қаторлидан бир қаватлиги, хусусий пластинкаси шаклланмаган бириктирувчи тўқимадан шаклланган тўқимага, тоғай халқалари сийрак хондроидли ва хужайрали тузилишдан майда хужайрали зич хондроматоз тўқимага айланиб бориши исботланди.



### Адабиётлар:

1. Акиншин И.И., Синельникова Е.В., Часнык В.Г., Корнишина Т.Л. Исследование взаимосвязи ультразвуковых феноменов легких с показателями газообмена у новорожденных детей // Визуализация в медицине. - 2020. - Т. 2. № 2. - С. 8-17.
2. Басий Р.В., Васильев В.А., Здиховский И.А., Довгялло Ю.В., Бешуля О.А., Селиванова Е.С. Анатомия легких // Вестник гигиены и эпидемиологии. - 2018. - Т. 22. № 4. - С. 87-90.
3. Sultanov, Ravshan Komiljanov, et al. "Dynamics of development of tissue structures of the trachea and bronchial wall in the period of six months of childhood." European journal of modern medicine and practice 2.4 (2022): 24-29.
4. Sultanov, Ravshan Komiljonovich, Zumrat Shavkatovna Sodikova, and Boboyorov Sardor Uchkun oglu. "Dynamics of Fat Cells of the Bronchial Tree Mucosa in Postnatal Ontogenesis." Central Asian Journal of Medical and Natural Science 2.4 (2021): 182-184.
5. Орипов Ф.С., Блинова С.А. Морфофункциональные свойства эндотелия сосудов легких при их воспалительной патологии у детей // Tibbioytda yangi kun.-2020.-№2.-С.156-163
6. Михайлов С.Н. Топографическая анатомия трахеи и главных бронхов человека в раннем плодном периоде онтогенеза: Автореф. дис... канд.мед.наук.- Оренбург, 2008.- 23 с.
7. Луцай Е.Д., Щербаков С.М., Железнов Л.М. Михайлов, С.Н. Некоторые вопросы фетальной анатомии нижних дыхательных путей. // Морфологические ведомости. - 2011. - № 2. - С. 50 - 56.

8. Михайлов С.Н. Топографическая анатомия трахеи и главных бронхов человека в раннем плодном периоде онтогенеза: Автореф. дис... канд.мед.наук.- Оренбург, 2008.- 23 с.
9. Панченко А.С., Гаймоленко И. Н., Тихоненко О. А., Игнатьева А. В. Бронхолёгочная дисплазия: причины формирования и морфология лёгочной ткани // Сибирский медицинский журнал (Иркутск). - 2013. – Т. 117, № 2. – С.061-064.

### ОЦЕНКА МОРФОМЕТРИЧЕСКИХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ СТЕНОК ТРАХЕИ В РАННЕМ ДЕТСТВЕ

Султонов Р.К.

**Резюме.** В статье исследованы динамика развития и строение тканевых структур стенки трахеи в раннем детском возрасте (1-3 года) у детей. Исследование проведено на трупах детей раннего возраста до трех лет, поступивших в третьем квартале 2022-2023 годов в центр патологической анатомии Сурхандарьинской области. Мышечные слои стенок трахеи и бронхов в дыхательных путях растут от рождения до взрослой жизни. Это происходит 2 раза до раннего детства. Доказано, что в раннем детстве (1-3 года) все слои стенки трахеи изменяются от многослойного покровного эпителия к однослойному, собственная пластинка от несформированной соединительной ткани к сформированной ткани, а также от разреженной хондроматозной и клеточной структуры до плотной хондроматозной ткани с мелкими клетками.

**Ключевые слова:** Младенец, легкое, трахея, бронх, постнатальный онтогенетический, гистохимический, гистологический, гемаоксилин-эозин, Ван-Гизон.

УДК: 616.24-002-053.31

## МУДДАТДАН ОЛДИН ЧАЛА ТУҒИЛГАН ЧАҚАЛОҚЛАРДА ТУҒМА ПНЕВМОНИЯНИ КЕЛИБ ЧИҚИШИДА ЙЎЛДОШНИНГ ЎРНИ



Хамидова Фариди Муиновна, Исмоилов Жасур Мардонович, Аминова Нигина Аминовна  
Самарқанд давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.

## РОЛЬ ПЛАЦЕНТЫ ПРИ ВОЗНИКНОВЕНИИ ВРОЖДЕННОЙ ПНЕВМОНИИ У ГЛУБОКОНЕДОНОШЕННЫХ НОВОРОЖДЕННЫХ

Хамидова Фариди Муиновна, Исмоилов Жасур Мардонович, Аминова Нигина Аминовна  
Самарқандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарқанд

## ROLE OF THE PLACENTA IN THE OCCURENCE OF CONGENITAL PNEUMONIA IN DEEPLY PREMATURE NEWBORNS

Khamidova Farida Muinovna, Ismoilov Jasur Mardonovich, Aminova Nigina Aminovna  
Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand

e-mail: [ismoilov-jasur@bk.ru](mailto:ismoilov-jasur@bk.ru)

---

**Резюме.** Гипоксия жараёни йўлдош тўқимасида пролиферация ва ангиоген медиаторлар яъни қон томир эндотелиал ҳужайраларни ўсиш омиллини ажраллишини фаоллаштиради. Ушбу факторларни ўзаро мувофиқ ишлаши эса ҳомила ичи инфекцияси ҳатто сепсис жараёнини келтириб чиқариши мумкин. Бундан олдинги олимлар тадқиқотлари сурункали йўлдош этишмовчилиги ҳолатларига бағишланган бўлиб, ушбу жараённинг морфологик кўринишлари ёритилмаган.

**Калим сўзлар:** йўлдош, ўпка, етилмаган ҳомила, пневмония, морфология.

**Abstract.** Hypoxia activates the processes of proliferation and release of angiogenic mediators in placental tissues, such as vascular endothelial growth factor and interleukins. As a result of the interaction of these factors, intrauterine infection develops and sepsis is possible. All studied cases included chronic placental insufficiency of varying severity. With intrauterine pneumonia, a diverse morphological picture was observed, which indicates the severity of lung damage.

**Key words:** placenta, lungs, prematurity, pneumonia, morphology.

---

**Кириш.** Хориоамнионит касаллиги билан оғриган оналардан янги туғилган чақалоқларда муддатдан олдин туғилиш ҳолатлари, туғилгандан кейин уларда эрта сепсис юзага келиши ва марказий асаб тизимидаги асоратлар яъни оғир перивентрикуляр ва интравентрикуляр қон қуйилиш ҳолатлари ривожланиш хавфи юқори даражалиги сакланиб қолмоқда. Шу билан бирга ушбу чақалоқларда неонатал ўпка касалликлари, айниқса, ҳомиладорликнинг гестацион муддати эрта туғилган чақалоқларда кўп кузатилиши аниқланди [1,2,3]. Бунинг асосий сабабларидан бири ўпка трансамниал суюқликнинг инфилтрлианиши бўлиб, бу ўз навбатида гиалин мембраналарнинг пайдо бўлишига ва нафас олиш этишмовчилигининг ривожланишига олиб келади [4,10,13].

Шу билан бирга сурункали йўлдош этишмовчилиги сабабли юза келадиган

ҳомиланинг перинатал гипоксияси эса, ўпканинг антенатал ривожланишига таъсир кўрсатиб унинг маълум бир ўзгаришларини келтириб чиқаради. Ҳайвонларда ўтказилган тадқиқотлар гипоксия шароитида уларда эпителий ҳужайраларни гиперплазиясини, шунингдек, ўпка томирларининг кўпайиши ва бўлинишини кучайтирганлиги аниқланган [3,5]. Гипоксия таъсирида йўлдошда қон томир эндотей ўсиш омилли ва интерлейкин-8 каби ангиоген медиаторларнинг кўпайиши ва чиқарилишини рағбатлантиришда намоён бўлади, бу эса ўз навбатида аллергенга нисбатан реакцияни кучайтиради ва унинг ривожланишига [6,7,12], натижада трансформация қилувчи ўсиш омилли даражасининг ошиши билан яллиғланишнинг кучайишига сабаб бўлади [8,11]. Бу жараёнлар, шунингдек, ҳомила ва янги туғилган чақалоқнинг нафас йўллариининг эпителиал ҳужайраларида

трансэпителиал  $\text{Na}^+$  ташилишининг камайиши ва шиллиқ ҳосил бўлишининг кўпайиши билан бирга кечади [9,14]. Ушбу омилларнинг ўзаро биргаликдаги таъсири охир-оқибат ҳомила ичи инфекцияси ва сепсисни вужудга келишига олиб келади.

**Тадқиқот мақсади.** Муддатдан олдин чала туғилган чақалоқларда туғма пневмониянинг дастлабки белгиларини аниқлаш учун оналарнинг йўлдоши ва чақалоқларнинг ўпкаларидаги морфологик ўзгаришларни таҳлил қилишдан иборат.


**Материал ва усуллар.** Оғир нафас етишмовчилиги туфайли вафот этган 29 нафар муддатдан олдин туғилган янги туғилган чақалоқнинг жасадлари патологоанатомик текширув материаллари ва баённомалари таҳлили ўтказилди. Ушбу вафот этган янги туғилган чақалоқларнинг ўртача ҳомиладорлик муддати  $29,4 \pm 2,7$  ҳафтани ташкил этади. Патологоанатомик текширув давомида онанинг йўлдоши ва муддатдан олдин туғилиб вафот этган чақалоқларнинг ўпка тўқимасининг макроскопик таҳлили ўтказилди. Таҳлил давомида стандартга мувофиқ йўлдошдаги макроскопик ўзгаришлар қайд этилди ва унинг барча структуравий элементлардан, шу жумладан унинг проксимал ва дистал бўлимлардан, хорионнинг чекка ва марказий қисмларидан, базал ва децидуал пластинкаларидан гистологик намуналар олинди. Шу билан биргаликда ҳар иккала ўпканинг турли сегментларидан гистологик текширув учун ҳам намуна бўлакчалари олинди. Олинган гистологик намуналар 10% нейтрал формалинда фиксацияланди, стандарт ишловдан ўтказилди ва парафинли блоklar тайёрланиб, гистологик кесмалар гематоксилин-эозин ва Ван Гизон усуллари билан бўялди.

**Натижалар ва муҳокама.** Йўлдошнинг морфологик таҳлили натижасида ҳомиладорликнинг кечишига салбий таъсир кўрсатадиган кўшма ўзгаришлар аниқланди. Ўрганилган барча ҳолатларда сурункали йўлдош етишмовчилигининг турли даражадаги ўзгаришлари аниқланди. Таҳлил давомида ўрганилган йўлдошнинг учдан бирида дистрофик ўзгаришлар йўлдошнинг ворсинкаларининг етилмаганлик белгилари билан биргаликда келганлиги кузатилди. Йўлдошда кузатилган патологик ўзгаришлар уларда: сероз ва сероз-йирингли мембранит, экссудатив маргинал хориоамнионит, экссудатив субхорионал интервиллузит, йўлдошдаги қон томирлар фуникулити, унинг тўқимасида ишемик инфарктлар, шунингдек, катта ўчоқли афункционал соҳаларни мавжудлиги қайд этилди (расм 1). Базал децидуит


йўлдошнинг базал қатламида (хорионнинг она қисми) фибриноид қолдиқлари, ворсинлар орасидаги бўшлиқларда лейкоцитлар инфильтрацияси мавжудлиги билан тавсифланди (расм 2). Экссудатив маргинал хориоамнионит йўлдош дискиннинг чекка соҳаларида сегмент ядроли лейкоцитлар инфильтрацияси, ворсинкадаги капиллярлар шишиниши ва тўлақонлиги билан характерланди. Йўлдошнинг сероз яллиғланишида лейкоцитлар инфильтрация ўртача даражада ифодаланган бўлса, йирингли яллиғланиш жараёни йўлдошнинг барча қатламларини қоплаган, сегмент ядроли лейкоцитларни кўплаб тўпланиши, децидуал тўқималар ва мезодермал асоснинг деструкцияси (хориоамнионит) кузатилди. Қон томир фуникулити киндик тизимчаси томирлари деворида яллиғланиш инфильтрацияси билан тавсифланди. 42,5% ҳолларда сурункали ва ўткир йўлдош етишмовчилигининг комбинацияси аниқланиб, бу эрта жарроҳлик аралашув натижасида туғилишига (плацентит, ўсиб бораётган ретроплацентар гематоманинг шаклланиши, йўлдошнинг муддатдан олдин ажралиши, кўчиши) ва янги туғилган чақалоқнинг перинатал гипоксиясига олиб келди.

Шу билан биргаликда, йўлдошдаги яллиғланиш ўзгаришлари фақат 37,8% ҳолларда кузатилди, бу эса чақалоқларни муддатдан олдин эрта туғилиши ҳар доим ҳам йўлдошдаги яллиғланиш жараёнлари билан бирга келмаслигини таъкидлайди. Энг кўп кузатилган ўзгаришлар: базал децидуит (14,4%), субхорионал интервиллузит ва хориоамнионит (11%) ҳамда 2,4% ҳолатларда эса диффуз тарзда носпецифик бактериал платцентит аниқланди.


Ўпка тўқимасини гистологик текширувда унинг морфологик тузилишининг сақланиб қолганлигини, шу билан бирга вафот этган чақалоқларнинг ҳомиладорлик гестацион даврига тўғри келганлиги аниқланди. Туғма неонатал пневмония билан вафот этган янги туғилган чақалоқларда ўпка тўқимаси шикастланиши полиморф морфологик характерга эга эканлиги қайд этилиб, улар қуйидагича микроскопик кўринишга эга эканлиги: вафот этган янги туғилган чақалоқлар бронх ва бронхлар бўшлиғида фибринли, сегмент ядроли лейкоцитлар, базофил коккли муҳитдан дарак берувчи фрагмент қолдиқлари, шунингдек деформацияланган ядроли яъни кариорексисга учраган десквамацияли донадор цитоплазмали алвеолоцитлар, ҳамда эритроцитлар ва унинг фрагментлари, гемосидерин таначалари мавжудлиги аниқланади (расм 3).




**Расм 1.** Базал децидуит. Йўлдош базал пластинкасида лейкоцитар инфильтрация. Гематоксилин эозин билан бўялган об.10. ок.10



**Расм 2.** Йўлдошнинг она қисми. Ворсинлар орасидаги бўшлиқларда фибриноид массаларни тўпланиши. Гематоксилин эозин билан бўялган об.10. ок.10



**Расм 3.** Муддатдан олдин туғилган чақалоқнинг ўпка тўқимасида ва альвеолалар бўшлиғида лейкоцитар инфильтрацияни тўпланиши. Гематоксилин эозин билан бўялган. об.10. ок.20



**Расм 4.** Муддатдан олдин туғилган чақалоқнинг ўпка тўқимасида ва альвеолалар бўшлиғида фибрин массаларни тўпланиши. Ван Гизон усули билан бўялган. об.10. ок.20

Кўпгина ҳолларда бронхиолаларнинг девори деформациялашган, сақланиб қолган терминал бронхиолаларнинг бўшлиқлари оптик жиҳатдан зич кўринишга эга экссудат тўпланган бўлиб у кўп сонли сегмент ядроли лейкоцитлар ва кўчиб тушган бронхиолалар эпителийси элементларидан ташкил топган (расм 4).

Перибронхиал соҳалар ва альвеолалар орасидаги тўсиқ шишинган, кам сонли аралаш хужайрали инфилтрация, шу жумладан лейкоцитлар, макрофаглар ва лимфоцитлар тўпланганлиги кузатилди. Плевра варақларидаги қон томирларининг шишиши ва тўлақонлиги аниқланди. Баъзи вафот этган муддатдан олдин туғилган чақалоқларда эса ўпканинг респиратор соҳалари, унинг тўсиқларида ва альвеолаларида диффуз характердаги лимфоид-лейкоцитар характердаги инфильтрация тўпланиши, альвеолалар бўшлиғида компактли ёки пластинка кўринишидаги эозинофилли гиалин мембрананинг мавжудлиги аниқланди. Ушбу

тузилмалар неонатал туғма пневмония касаллигида ўпка тўқимасида диффуз, ўчоқли ва кўшилган ўчоқли характерга эга эканлиги ва неонатал пневмонияда гиалин мембраналарни шаклланиши қайд этилди.

**Хулоса.** Шундай қилиб, йўлдош ҳомиладорлик жараёнида ва ҳомилани она қорнида оптимал ривожланишида асосий роль ўйнайди. Йўлдошда кузатиладиган морфологик ўзгаришлар унинг тўқимасида қон айланишининг бузилишига олиб келиши, бу эса ўз навбатида ҳомилани она қорнида яъни антенатал даврда перинатал гипоксия ривожланишининг асосий омили ҳисобланади. Йўлдошнинг турли таркибий қисмларида яллиғланиш жараёнларининг пайдо бўлиши ҳомиладорликнинг муддатидан олдин тугаши ва ҳомилادا уни она қорнида инфекцияларнинг пайдо бўлиши ва ҳомила ичи инфекцияси инфицирланган чақалоқни туғилишига сабаб бўлади.

### Адабиётлар:

1. Глуховец Б.И., Глуховец Н.Г. Восходящее инфицирование фето-плацентарной системы. М.: Медпресс-информ; 2006: 240. ISBN 5-98322-141-8
2. Блинова С. А., Хамидова Ф. М. Эндокринные структуры легких в онтогенезе у детей с пневмонией // Журнал репродуктивного здоровья и уро-нефрологических исследований. – 2020. – Т. 1. – №. 2.
3. Хамидова Ф. М., Исмоилов Ж. М. Пренатал онтогенезда хамда упка патологияси мавжуд булган болалар бронхларидаги безларнинг ривожланиш боскичлари ва морфофункционал характеристикаси (адабиётлар тахлили) // Журнал биомедицины и практики. – 2022. – Т. 7. – №. 4. – С. 104-112.
4. Хамидова Ф. М., Исмоилов Ж. М. Состояние слизистой и подслизистой оболочки трахеобронхиального дерева в норме // Science and Education. – 2023. – Т. 4. – №. 5. – С. 617-626.
5. Ризаев Ж. А., Ризаев Э. А., Кубаев А. С. Роль иммунной системы ротовой полости при инфицировании пациентов коронавирусом SARS-COV-2 // Здоровье, демография, экология финно-угорских народов. – 2020. – №. 3. – С. 67-69.
6. Ризаев Ж. А., Ахорова М. Ш. COVID-19: Взгляды на иммунологические аспекты слизистой оболочки рта // International scientific review of the problems of natural sciences and medicine. – 2022. – С. 4-8.
7. Ризаев Ж. А. и др. Значение коморбидных состояний в развитии хронической сердечной недостаточности у больных пожилого и старческого возраста // Достижения науки и образования. – 2022. – №. 1 (81). – С. 75-79.
8. Ризаев Ж. А. и др. Changes in the mucous membranes of the oral cavity in patients depending on the clinical course of Covid-19 // Журнал стоматологии и краниофациальных исследований. – 2022. – т. 3. – №. 1.
9. Ризаев Ж. А., Фаттахов Р. А. Безопасность и профилактические меры в стоматологии в условиях пандемии COVID-19 // Актуальные вопросы диагностики и лечения новой коронавирусной инфекции. – 2020. – С. 27-30.
10. Ризаев Ж. А. и др. Сравнительный анализ лучевых методов исследования при коронавирусной

инфекции SARS-COV-2 (2019-NCOV) // Проблемы биологии и медицины. – 2022. – №. 2. – С. 96-104.

11. Khamidova F.M., Blinova S.A., Ismoilov J.M. Dynamics of changes of immune and endocrine lung structures in experimental pneumonia // Journal of biomedicine and practice. №SI-2 | 2020. С. 717-722.
12. Khamidova F.M., Blinova S.A., Ismoilov J.M. Congenital and acquired structures in the lungs of bronchiectasis disease in children. // Вопросы науки и образования. №29 (41), 2018. С. 99-101.
13. Keglowlch L., Baraket M., Tamm M., Borger P. Hypoxia exerts dualistic effects on inflammatory and proliferative responses of healthy and asthmatic primary human bronchial smooth muscle cells. PLoS One. 2014; 9 (2): e89875. DOI: 10.1371/journal.pone.0089875. PMID: 24587090
14. Tan C.D., Smolenski R.T., Harhun M.I., Patel H.K., Ahmed S.G., Wanisch K., Yáñez-Muñoz R.J., Baines D.L. AMP-activated protein kinase (AMPK)-dependent and -independent pathways regulate hypoxic inhibition of transepithelial Na<sup>+</sup> transport across human airway epithelial cells. Br. J. Pharmacol. 2012; 167 (2): 368-382. DOI: 10.1111/j.1476-5381.2012.01993.x. PMID: 22509822

### **РОЛЬ ПЛАЦЕНТЫ ПРИ ВОЗНИКНОВЕНИИ ВРОЖДЕННОЙ ПНЕВМОНИИ У ГЛУБОКОНЕДОНОШЕННЫХ НОВОРЖДЕННЫХ**

*Хамидова Ф.М., Исмоилов Ж.М., Аминова Н.А.*

**Резюме.** Гипоксия активирует процессы пролиферации и выделения ангиогенных медиаторов в тканях плаценты, таких как сосудистый эндотелиальный фактор роста и интерлейкины. В результате взаимодействия этих факторов развивается внутриутробная инфекция и возможен сепсис. Все исследованные случаи включали в себя хроническую плацентарную недостаточность разной степени выраженности. При внутриутробной пневмонии наблюдалась многообразная морфологическая картина, что свидетельствует о тяжести поражения легких.

**Ключевые слова:** плацента, легкие, недоношение, пневмония, морфология.



Khamroev Izzat Sayfulloevich  
Bukhara State Medical Institute, Republic of Uzbekistan, Bukhara

### ПОЛАРЕННИНГ СУРУНКАЛИ АЛКОГОЛ ЗАҲАРЛАНИШИДА БУЙРАК МОРФОМЕТРИК КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИ

Хамроев Иззат Сайфиллоевич  
Бухоро давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон Республикаси, Бухоро ш.

### ВЛИЯНИЕ ПОЛАРЕНА НА МОРФОМЕТРИЧЕСКИЕ ПОКАЗАТЕЛИ ПОЧЕК ПРИ ХРОНИЧЕСКОЙ АЛКОГОЛЬНОЙ ИНТОКСИКАЦИИ

Хамроев Иззат Сайфиллоевич  
Бухарский государственный медицинский институт, Республика Узбекистан, г. Бухара

e-mail: [Izzathamroev203@gmail.com](mailto:Izzathamroev203@gmail.com)

---

**Резюме.** Мақолада сурункали алкоголизмдаги буйрак нефронининг морфометрик кўрсаткичларига таъсири ва овқатга фаол қўшимча сироп поларен билан коррекция қилиш натижаларининг қиёсий таҳлили келтирилган. Овқатга биологик фаол қўшимча сироп поларен билан коррекция қилинган эксперимент гуруҳидаги каламушларда морфологик параметрлари назоратга яқин бўлиб, бу "поларен"нинг детоксикация қобилиятини аниқлашга имкон беради. Шу билан бирга, бу гуруҳдаги каламушлар морфометрик кўрсаткичлари назоратга яқинлашади, аммо асл ҳолатига қайтмайди.

**Калим сўзлар:** алкогoл, буйраклар, поларен, буйрак паренхимаси, капсула қалинлиги, пўстлоқ моддаси, магиз моддаси.

